








# «Ўзқурилишматериаллари» давлат акциядорлик компанияси жамоаси



Хур диёримизнинг кўп миллатли халқини, ажойиб қурувчиларимизни энг азиз, энг улуғ байрам — Истиқлолнинг ўн икки йиллиги муносабати билан қизғин қутлайди. Мустақиллик биносига қўйилган ҳар бир ғишт Ватан равнақидан нишонадир.

Компанияга қарашли корхоналар кейинги йилларда муайян ютуқларни қўлга киритди. Айниқса кичик ва ўрта бизнес субъектлари ривожланди. Ишлаб чиқаришни маҳаллий хомашё ресурслари билан таъминлаш, материаллар, буюмлар, эҳтиёт қисмларни шу ерда тайёрлаш ҳисобига четдан импорт қилиш миқдори камайди. Аксинча маҳсулотни хорижга экспорт қилиш миқдори кўпайиб, кўплаб валюта ҳам ишлаб топилди.

**БАЙРАМ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**



## «ФАРФОНА ЁҒ-МОЙ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимизнинг  
барча фуқароларини  
Ўзбекистон  
Мустақиллигининг  
**ЎН ИККИ ЙИЛЛИГИ**  
муносабати билан  
самимий муборакбод  
этади.

**Серқуёш**  
диёримиз  
Истиқлол  
йилларида  
ҳар томонлама  
ривожланди.

Азиз юртадошлар!  
Эзгу ниятлар билан  
Ватанимиз фаровонлиги  
ва порлоқ келажаги учун  
қилаётган ишларимизда  
барчамизга омад ёр  
бўсин!

Фарғонадаги

## «ИССИҚЛИК МАНБАИ»

корхонаси жамоаси

Азиз юртдошларимизни,  
ғидокор халқимизни  
Ўзбекистон Истиқлолининг

**ЎН ИККИ ЙИЛЛИГИ**  
билан муборакбод этади.

Айни пайтда шуни ҳам  
таъкидлаб ўтмоқчимизки,  
мамлакатимизда амалга  
оширилётган кенг  
камровли иқтисодий  
ислохотларда бизнинг  
ҳам муносиб  
улушимиз бор.

Ватандошларимизни улуғ  
байрам билан яна бир  
бор қутлар эканмиз,  
юртимиз осмонни ҳамниша  
мусаффо бўлсин.  
Хонадонлардан эса  
қут-барака ва  
фаровонлик ариماسин!





ЭЛЧИХОНА ОЧИЛАДИ

Японияда Қирғизистон элчихонаси очилади. Бу ҳақда республика Президенти Асқар Ақоев қарор қабул қилди, дея хабар беради «Қабар» агентлиги.

Келишувга кўра, элчихона Токио шаҳрида очилади. Республика ҳукумати бир ой мuddат ичида ташкилий масалаларни ечиши ва элчихона фаолияти учун молиявий таъминотни ҳал этиши лозим.

Шарҳловчи минбари

ВАЗИЯТ ҚАЛТИС, МУНОСАБАТЛАР ЧИГАЛ

ЯҚИНДА СОДИР ЭТИЛГАН ТЕРРОРЧИЛИК АКТЛАРИ АЙНАН ШУНДАЙ АҲВОЛНИ ЮЗАГА КЕЛТИРДИ

Маълумки, сешанба кuni Ироқнинг Бағдод ва Исроилнинг Қуддус шаҳарларида террорчи-камикадзелар томонидан портлашлар содир этилган эди. Бу воқеалардан сўнг шундоқ ҳам чигал бўлиб турган вазият янада кескинлашиб кетди.

Шунингдек, жаҳон банки ўз ваколатхонасини Бағдодда очиш масаласини ҳам номалум мuddатга қолдирди. Аввалроқ бу ваколатхона яқин кунларда очилиши ҳақида хабар қилинган эди.

Маълумки, Жаҳон банки Ироқ иқтисодийнинг қайта тиклашда муҳим роль ўйнайдми. Унинг 15 кишидан иборат миссияси Ироққа иқтисодий ёрдам кўрсатиш масаласи бўйича шу йил октябрда бўладиган конференцияга (унда донор мамлакатлар вакиллари катнашади) тайёргарлик кўришавтанди.

Еврокомиссия ҳам айнан шу терроризм сабабли Ироқдаги фаолиятини қисқартиришини маълум қилди. Бу ҳақда MSNBS News хабар тарқатди.

Бирок БМТ Бош қотиби Кофи Аннан БМТ миссияси Ироқда яна фаолиятини давом эттириши ҳақида баёнот берди. Халқаро валюта жамғармаси ҳам худди шундай қарор қабул қилди.

«Биз Ироқдаги фаолиятимизни давом эттираверамиз. Бу биз учун ўта муҳимдир. Бизни ҳеч ким бу йўлдан қайтаролмайди ва қўриқолмайди ҳам» деди БМТ Бош қотиби Стокгольмда ўтказилган матбуот анжуманида. БМТнинг бундай қарорини эса пайшанба кuni Нью-Йоркда бўлиб ўтган учрашувда АҚШ давлат қотиби Колин Пауэлл қўллаб-қувватлади ва шахсан Кофи Аннанга миннатдорчилик билдирди.

Шу ўринда бир таъкид: БМТ миссиясининг Ироқда олиб борган 12 йиллик фаолияти давомида ҳали бирон марта уларга қарши террор қўлланилмаган эди.

Исроилнинг Қуддус шаҳридаги автобусда содир этилган террор ҳам қурбонсиз бўлмади — 20 киши оламдан кўз юмган бўлса, 100 дан ортиғи яраланди. На 'aretz газетасида ёзишларича, ушбу портлаш учун жавобгарлиқни ХАМАС ва «Ислон жиҳоди» гуруҳлари ўз бўйлиларига олган. Аслида террорнинг ҳар қандай кўриниши ўта оғир муносибатларга ва оқибатларга олиб келиши аниқ. Бу ерда ҳам шундай бўлди. Исроил ва Фаластин ўртасида яхши кўшничиликни йўлга қўйиш, совуқ муносабатни илтиш учун жаҳон жамоатчилиги томонидан қилинаётган барча саяй-ҳаракатларга дарз етказди. Исроил ҳукумати аччиқ устида Фаластин маъмурияти билан ҳар қандай алоқаларга

нуқта қўйилишини маълум қилди, аввалдан режага киритилган Иерихон ва Калькилия шаҳарларини Фаластин тасарруфига ўтказиш масаласини эса бекор қилди. Jerusalem Post газетаси хабарига кўра, энди Ёсир Арафот қароргоҳини Рамаллоҳга кўчириш режасини ҳам ортага суриб қўйди. Бундан ташқари Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ва Ғазо секторини Исроил армияси яна қайтадан қамал қилди. Пайшанбага ўтар кечаси танк ва бронетехникалар Фаластиннинг Наблус, Женин ва Тулькарм шаҳарларини ишғол этди.

Чоршанба кuni бўлиб ўтган факулдада йиғилишда Исроил ҳукумати ХАМАС ва «Ислон жиҳоди» жангариларига қарши ҳарбий ҳаракатлар бошlash ҳақида қарор қабул қилган эди. Шунинг тасдиғи ўлароқ, пайшанба кuni Ғазо худудида автомобилда кетаётган ХАМАС гуруҳи етакчиларидан бири Исмоил Абу Шаноьга қарата ҳарбий вертолётдан 5 та ракета учирилди. Натижада Исмоил ва унинг 2 қўриқчиси ҳалок бўлди.

Айрим кузатувчилар бу воқеадан сўнг 2 ой аввал эришилган 3 ойлик тинчлик келишувига энди Исроил нуқта қўйилишини айтмоқдалар. Афсусланарлиси шуки, ХАМАС гуруҳи ҳам тинчлик битими бекор қилинганлиги ҳақида баёнот берди. Гуруҳ етакчиларидан бири Исмоил Ал-Хон бу воқеа учун ва август бошлашида Наблусда ўлдирилган ХАМАСнинг бир неча фаоллари учун Исроил армияси ҳали жавоб беришини ўқитди.

Фаластин автономияси бош вазири Махмуд Аббос эса сешанба кuni террорчилик актидан сўнг ХАМАС ва «Ислон жиҳоди» экстремистик ташкилотлари билан музокара тўхтатилганлигини вазирилари ва бошқа етакчилар иштирокида ўтказилган мажлистан сўнг эълон қилди. Бундан ташқари Махмуд Аббос ХАМАС ва «Ислон жиҳоди» экстремистик ташкилотларига қарши аниқ чоралар кўриши талаб этиб, Фаластин раҳбари Ёсир Арафотга ультиматум тақдим этди. Ва уни огоҳлантирдики, агар терроризм тўхтатилишига эришилмас экан, у ҳолда бош вазир ва унинг ҳукумати истеъфо беради.

Келгусида воқеалар қай йўсин ўзгаради, буни вақт кўрсатади. Лекин жаҳон жамоатчилиги икки қўшнини муромага келтириш учун қўлидан нима иш келса, шунни қилиши аниқ. Зеро, тинчлик барча учун энг улуг нўматдир.

Алимукул СУЛТОН

ЛАВОЗИМИДАН КЕТАДИ, ҚАЧОНКИ...

Сингапур бош вазири Го Чок Тон баёнот берди. Унда айтилишича, бош вазир истеъфога чиқади, қачонки мамлакатда тарқалган гайрощидий зотилжаҳ эпидемияси сабабли таназзулга юз тутган ватан иқтисодийети бироз тиклангач. Бош вазир ўринбосари, молия вазири ва Марказий банк раиси Ли Хсин Лунга унинг ўрнига қолишини маълум қилди. «Менинг ўрнимага қоладиган одам умумий сайловларга тайёргарлик кўриши ва бош вазир лавозимига тасдиқланishi учун камида 2 йил вақт керак. Шунинг учун мен ҳозирча ўз ваколатимдан воз кечмоқчи эмасман. Негаки, менинг асосий мақсадим таназзулга учраган Сингапур иқтисодийетини кўтаришдан иборатдир», деди Го Чок Тон телевидение орқали Сингапур халқига мурожаат қиларкан.

ЎҚИШ ВАҚТИ ИШ КУНИ БИЛАН ТЕНГЛАШТИРИЛАДИ

Москванинг кўпгина мактабларида ўқиш тартиби яна бир йилдан сўнг бир иш кuni вақтига тенглаштирилади, дея хабар беради ИТАР-ТАСС агентлиги. Бошланаётган янги ўқув йилида эса Россия пойтахтидаги барча мактаблар (1560 та) кўшима хоналар ва керакли анжомлар билан тўлиқ таъминланади. Педагоглар қайта тайёргарликдан ўтказилади. Москва таълим қўмитасининг матбуот хизмати бошлиғи Александр Гавриловнинг маълум қилишича, мазкур қўмита шундай қарор қабул қилган. Ушбу ўқув йилида пойтахтдаги 219 та мактаб янги тартибда фаолият бошлайдми. Гавриловнинг сўзларига қараганда, болаларнинг мактабдан ташқари бўш пайтини мазмунли ўтказиш, уларнинг кўчада бемақсад сандирақлаб юришининг олдини олиш, қисқаси, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш учун шундай қилинмоқда. Ўқувчиларнинг кuni бўйи мактабда қолиб кетишлари уларнинг дарслари янада қўлайиб, оғирлашганини билдирмайди, балки вақтни мазмунли ўтказишга қаратилгандир. Эндиликда ўқувчилар эрталабдан кеч соат 19 ёки 21 гача мактабда буладилар. Узоқоимчилик билан мактабдан кетишга руҳсат йўқ. Фақат ота ёки онанинг ёзма равишдаги мурожаати билангина ўқувчи «мактаб вақти»да кетишга руҳсат этилади.

«Шаҳрисабз-консерва» акциядорлик жамияти жамоаси
Ўзбекистон халқини энг азиз ва муборак байрам — Ватанимиз Истиқлолнинг 12 йиллиги муносабати билан самимий табриклайди.
Қорхона теҳнат аҳли ишлаб чиқаришни ривожлантирира бориб, мамлакат иқтисодий тараққиётига ўзининг нуқсонли қишқирлигини қўйиб қўйишга қўриқилган вақтлардан ажратилди. Режага кўра, жорий йилда жаннатмакон дийдоримиз ноғу неғматларидан 8600 тонна консерва маҳсулотини ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва валюта түцигини кўпайтиришни жамоамиз ўз олдиға мақсад қилиб қўйган.

Биз халқимизни энг азиз, энг қиммат байрам билан қўнмак эканмиз, барчаға тинчлик, фаровонлик ва омад тилаймиз.

ҲОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Қарши шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Мулоқот» журналистлар клубининг навбатдаги семинари Деновда бўлиб ўтди. Семинарда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги юз нафарга яқин журналистлар иштирок этди.

— Дарҳақиқат, шитоб билан ўзгараётган бугунги ҳаётимизни матбуотсиз тасаввур этиб бўлмайди — деди ўз сўзида Денов туман ҳокими Абдулҳаким Өшмуратов. — Тўғри танқид келажак меваси. Бунинг учун ҳар бир ижодкор ҳар доим ҳолисликка қатъий амал қилмоғи даркор.

«ЭКОСАН» МАҲАЛЛАГА ЧИҚДИ

Турли миллат ва элат вакилларидан иборат тўққиз миң аҳоли истиқомат қиладиган Мирзо Улугбек туманининг «Яланғоч ота» маҳалласида «Экосан» маҳаллага чиқди, деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими Абдуазим Манжидов, «Экосан» халқаро жамғармаси раиси Юсуф Шодиметов, маҳалла фаоллари ва фуқаролар иштирок этдилар.

Таъдбир доирасида энг яхши ҳовли танлови ўтказилиб, унда Ҳабиб Абдуллаев кўчасидаги 134-уй ҳовлиси голиб деб топилди. Маҳаллада экологик тарбияни шакллантиришда ўз хиссасини қўшиб келаятган ва кам таъминланган 50 оилга «Экосан» жамғармасининг совгалари топширилди. Беҳзод ШУКУРОВ

Тендерная комиссия ГАЗК «Узбекистон темир йўллари» объявляет тендерные торги №3 на приобретение вагон-комплектов:

Лот 1: Вагон пассажирский купейный с креслами для сидения и радиокупе (штабной), 42-х местный — 1 единица
Лот 2: Вагон пассажирский купейный с креслами для сидения первого класса, 48 местный — 4 единицы
Лот 3: Вагон пассажирский купейный с креслами для сидения и баром, 30 местный — 1 единица

За тендерной и технической документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. М. Шейхонджо, 7. ГАЖК «Узбекистон темир йўллари». Управление «Темир йўлларини тартибдорлиги» кўмакта 410.
Таш. 138-83-70, 138-88-03, 138-84-72.
Заявки на участие в тендере принимаются в течение 30 дней со дня опубликования объявления в средствах массовой информации.

Ташкент шаҳри Яқкасарой туманидаги «Хион» МФЖ ТУГАТИЛАДИ. Даво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мuddат ичида қабул қилинади. Тел: 139-18-29



# «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ ХОЛДИНГ»

## КОМПАНИЯСИ

Диёримизга Аллоҳнинг назари тушган. Ҳар фаслининг ўз хислати борлиги эса сахий қўшимиздан. Зеро, қайноқ ёзу, саховатли куз биз учун ардоқли. Боиси, боғу ишқомларда мевалар офтоб нурини эмади, бол йиғади. Полизлар яшнаб кетади. Сабзавотлар ранг олиб, бободехқон ғайратини кўз-кўз қилади.

12 йил тарих учун қисқа давр. Зотан, мустақилликнинг ана шу даврида халқимиз буюк ишларга қўл урдики, бунинг самараси ўлароқ давлатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Ўзбекистон номи тилларга тушди.


Холдинг компаниямиз ҳам мустақиллик маҳсули. Таркиб топганига 6 йилдан ошди. Бу даврда компания фаолияти юксалди. Ҳозир сабзавот маҳсулотлари ва узумни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлашга ихтисослаштирилган 27 та фирма, 40 та қайта тайёрлаш, 89 та қишлоқ хўжалик, 21 та қўшма корхона компания таркибида ҳамкор ва ҳамжиҳатдир.

Мақсад: жаҳон бозорига халқаро талабларга мос маҳсулотларни кўпроқ чиқариш, Ватанимиз равнақига ҳисса қўшиб, бойлигимизни янада оширишга хизмат қилиш.

**Шиоримиз: сифат ва кафолат — муваффақият гарови!**

**Халқимизни, барча боғбону соҳибкорларни энг улуг, энг азиз айём билан кутлаймиз!**

**Ватанимиз тинч, осмонимиз мусавфро бўлсин!**



Мавзуга қайтиб

Бугунги кунда Сиеб туманида 132 минг нафардан кўпроқ аҳоли бўлиб, улар 65 та маҳаллада истиқомат қила...

лар ва ахволни яхшилаш учун газетанда мақола эълон қилиш зарурлигини айтишди. Уларнинг фикр-мулоҳазалари мух...

экан), унинг атрофидаги маҳалла ҳуснига «чипта ямок» бўлиб тушган чойхона, сартарошхона...

лан канализация тармоқлари ни янгилаш, газ таъминотини яхшилаш билан боғлиқ ишлар...

рози бўлиб, қўл қўйиб юбора верибмиз, дейишди. Энди хатдаги «Мақолада номлари келтирилган киши...

Пўлатовнинг «Мухбир мақола ни ёзиш жараёнида ҳокимликка келиб, бу ердаги му...

ганди. Лекин кейинчалик расиса атрофида гап-сўзлар кўпайиб кетди. Фуқаролар й...

«ЯНГИ ХАЙРАБОД»ДА ХАЙРЛИ ИШЛАРНИНГ БОШЛАНГАНИ РОСТ БЎЛДИ

ЁКИ ТАХРИРИЯТИМИЗГА КЕЛГАН ШИКОЯТ ХАТИ САБАБ САМАРҚАНД ШАҲРИ, СИЁБ ТУМАНИДАГИ «ЯНГИ ХАЙРАБОД» МАҲАЛЛАСИДА КЎРГАН-КЕЧИРГАНЛАРИМИЗ ХУСУСИДА

«Ишлар қачон бўлади?» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилди. Унингизга маълум, танқид ҳаммага ҳам ёқармайди...

— Ҳокимимиз ҳар кун келиб, қилинаётган ишларни ўз кўзлари билан кўриб кетаяпти, — дейди маҳалла фуқаро...

қола ҳам бу ишларнинг тезлашиб кетишига туртки бўлганлигини тан оламиз. — Унда шикоятдан мақсад нима? — сўраймиз опадан...

қилувчи Рисолат Жўраева мухбир билан шахсан суҳбатлашганини, унга айнан мақолада келтирилган фикрларни айтганини ёзма равишда тан олди...

ган бўларди» деган фикрларига қўшимаслиқнинг иложи йўқ. Маҳалла ҳаёти билан танишиш, одамларнинг ўй-фикрларини эшитиш жараёнида...

ОЗОДЛИКНИНГ ОФИР ЙЎЛЛАРИ

(Давоми. Боши 5-бетда.)

1923 йилда Хоразмда янги қишлоқ хўжалик солиғи жорий қилинди. Шу билан бир қаторда миллий урф-одатлар, қўнча анъаналар, инсоний туйғулар совет ҳукумати томонидан тазйиққа учради...

рилишини талаб қилади. 1924 йил 8 январда Питнак, Хазорасп, Богот, Хонқа, Садувар худудларида кўзғолон кўтарган халқ жойлардаги совет ташкилотларини тугатиб, пойтахт Хива шаҳри устига юриш қилдилар...

дуч келиб, тор-мор этилади. Тошкентдан юборилган катта ҳарбий куч ёрдамида кўзғолон шафқатсизларча бостирилди. Аммо у большевикларни қаттиқ ларзага солган эди...

Футбол 19-ТУР ОЛДИДАН

Август ойи футбол мусобақаларига бой бўлмоқда. Айнан шу ойда миллий чемпионати миз иккинчи давра ўйинлари кизгин бошлангани, Ўзбекистон кубогининг финали, қолаверса, терма жамоамизнинг Латвияда ўтказган ўртоқлик учрашуви фикримиз далилидир...

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ. Инсонларга эркинлик, озодлик ва бахт-иқбол улашадиган Истиқлолнинг ўн икки йиллиги муносабати билан Ўзбекистон фуқароларига мустақам соғлиқ, бахт-саодат, тинчлик-тотувлик тилайди.

Ҳикматли сўзлар маъноси

Игна ўғирлашга журъат қилган — сугир ўғирлашга ҳам ўтади. «Бирор одам арзанидан бир нарсани ўғирлаганини билиб қолсанг, дарҳол уни бу қингир йўлдан қайтар. Агар бошида шундай қилмасанг, у бора-бора катта ўғри бўлиб кетиши мукаррар», дейилмоқчи.

мирчининг бир ургани; «Заргарнинг минг ургани — чилангарнинг бир ургани»; «Кудунгарнинг минг ургани — босқончининг бир ургани»; «Кудунгар — атлас ва беқасамни кудунг (тўқмоқ) билан уриб, силлиқовчи уста); «Омочининг ўн боргани — моланин бир боргани». Бу мақолларнинг бирор ишни узок вақт қийнабди, зўр-базўр амалга оширадиган одам билан худди шу ишни бирпасда, осонгина амалга ошириб қўядиган одамни бир-бирига таққослаганларида (масалан: «Боланин ўн кунда қиладиган ишини ота бир кунда қилиб қўяди»; «Боланин ўн кун ишлаб топадиган маблағини ота бир кунда топа олади»; демоқчи бўлганларида) айтадилар.

Икки игна бир ипда — икки зикна бир ерда. Хеч вақтда икки игнани бир игна тақиб, тикмайдилар. Бу мақол билан: «Икки зикна бир ерда бўлиб қолса, сира чиқиша олмайди. Хатто, эр билан хотиннинг иккаси ҳам зикна, ҳасис бўлса, ораларида келишув, иттифоқлик бўлмайди» дейилмоқчи.

Равшан ШОДИЕВ

ЧЕМПИОННИНГ ИККИ ТАЛАБИ

Украиналик шохмат бўйича жаҳон чемпиони Руслан Пономарёв билан машҳур шатранж устаси Гарри Каспаров ўртасида ўтказиладиган учрашувга ҳозирлик қилишмоқда. ФИДЕ жаҳон чемпиони номини олиш учун ўтказиладиган ана шу учрашув олдидан ўзига хос муаммолар юзага келди. Гап шундаки, Руслан шу пайтгача шатранномага имзо чекамган. ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжиновнинг ёрдамчиси Берик Балгабаевнинг таъкидлашича, ёш украиналик шохматчи ФИДЕни баъзи шартларга кўндирмоқчи экан. Русланин биринчи талаби мазкур учрашув қандай ҳисобда яқунлинидан қатъи назар ФИДЕ жаҳон чемпиони увнони унинг учун сақланиши зарур эмиш. Иккинчи талаб эса

ФИДЕ учрашув олдидан кўзда тутилган маблағнинг юз минг долларини унга бериши лозим экан. Балгабаев эса ФИДЕ бундай талабларни бажариши шарт эмас, деган фикрни баён этди. «Албатта, Русланга олдидан тўловни амалга ошириш мумкин. Фақат бунинг учун мусобақа ташкилотчилари мукфот жамғармасига бир миллион доллар ўтказишлари керак. Увнони сақлаб қолиш масаласида эса гап бўлиши мумкин эмас» дейди Балгабаев. Ҳар қалай ФИДЕнинг президентлик кенгаши К.Илюмжиновга мабодо Пономарёв шартномага имзо чекишдан бош тортса, унинг ўрнига Каспаров учун бошқа рақиб топиш лозимлиги ҳақида ахборот берди.

Тошкент давлат университети томонидан 1984 йилда Режапов Махаммадхон номига берилган NB-1 №282838 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

BOSH MUHARRIR Safar OSTONOV. TAHRIR HAY'ATI Abdulla ORIPOV, Abdulhafiz JALOLOV, Azimjon AYUPOV, Aziz NOSIROV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Norbobo SHAKAROV, Alimqul SULTONOV, Andrey ORLOV, Nomoz SA'DULLAYEV, Rahima HAKIMOVA, To'lepbergen QAIPBERGENOV, Abdug'ani MAMASODIQOV. MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI. BO' LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot, Ma'naviyat va ma'rifat, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Parlament va huquq, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik, Xatlar va ommaviy ishlar, Reklama va e'lonlar, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda, MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.